



2020 йил «4» Март

№ 481/ч

Боғот шаҳарчаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3730-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Санитария жихатидан тозалаш соҳасида хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун ҳудудларни бириктириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 25 сентябрдаги 765-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 октябрдаги 787-сонли қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 7-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Вилоят “Тоза ҳудуд” ДУК Боғот туман филиали (М.Сотимов) жисмоний шахсларга қаттиқ ва суяқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун хизматлар кўрсатиш бўйича туманда истиқомат қилувчи аҳоли билан 1-иловага мувофиқ намунавий оммавий шартнома асосида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи С.Хўжаниёзов Хоразм вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Боғот туман инспекцияси бошлиғи А.Мавлонов билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар “Тоза ҳудуд” ДУК Боғот туман филиалига бириктирилган ҳудудларда қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва ўз вақтида олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматларининг зарур сифатини таъминлашга мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказилишини ва ўрганиб чиқилишини таъминласинлар.

3. Вилоят “Тоза ҳудуд” ДУК Боғот туман филиали (М.Сотимов) томонидан жисмоний шахсларга қаттиқ ва суяқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун хизматлар кўрсатиш бўйича намунавий оммавий шартнома асосида 2-иловага мувофиқ тумандаги “Навбахор”, “Боғзор”, Ўзбекистон” маҳаллаларида яшовчи аҳолига хизмат кўрсатилсин.

4. Вилоят “Тоза худуд” ДУК Боғот туман филиали (М.Сотимов) томонидан аҳолидан чиқиндиларни тўплаб олиб кетганлиги учун тўловларни ўз вақтида тўланишида маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда кўп хонадонли уйларда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари яқиндан амалий ёрдам кўрсатилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи С.Хўжаниёзов зиммасига юклансин.

Боғот туман ҳокими



О.Холбоев.